

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 28-dekabr • Payshanba • 153 (27.644) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ИЗЧИЛ ВА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси тартибда киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини россиялик эксперт ва сиёсатшунослар ҳам кенг шарҳлашаётир.

Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг глобаллашув ва миллий ривожланиш стратегияси масалалари бўйича комиссияси раиси Андраник Миграняннинг фикр билдиришича, Ўзбекистон давлати раҳбари таклиф этган қонун лойиҳаси Ўзбекистонда сиёсий партияларни шакллантириш ва уларнинг аҳамиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинаётганидан далолат беради.

2-бет

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ»: ТАШКИЛИЙ ВА СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАР

**Ўзбекистон
Халқ демократик партияси
маҳаллий ташкилотлари
раҳбарлари ҳамда
фаолларининг республика
конференцияси бўлиб ўтди**

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ЎзХДП маҳаллий ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Конференция ишида ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда барча туман ва шаҳарлар кенгашлари раислари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.



Конференция арасида Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси 2007 йил Республика Президенти томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилини-

ши муносабати билан Ўзбекистон ХДП туман ва шаҳар кенгашларининг ташкилий ва сиёсий тадбирлари режасини тасдиқлади.

Маъмур режада Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар бошланғич ташкилотлари томонидан бажарилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгиланди:

— партия электорати вакилларида ўз ижтимоий ҳуқуқлари ва уларни ҳимоялашнинг қонуний усуллари ҳақида тўғри тушунарли шакллантиришга йўналтирилган тарғибот ишларини олиб бориш, ҳамда аҳолининг айрим қисмларидаги боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қўмаклашиш;

— Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳузурда фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари иши ва партия электоратини ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа

фаол шакл ва усуллари самарадорлигини ошириш; — устувор ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича қонунлар, Ўзбекистон Президенти Фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукумат ҳужжатлари ижросининг доимий мониторингини олиб бориш;

— давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ваколати доирасига кирувчи ижтимоий масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ривожлантириш;

— партиянинг ижтимоий шериклари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш. Зеро, бу ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоялашнинг энг

самарали воситасидир.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов маъруза қилди.

2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши Ўзбекистон Халқ демократик партияси зиммасига алоҳида масъулият юклайди, деди у. «Ижтимоий ҳимоя йили»да ўтказилган тадбирларнинг пировад мақсади ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар манфаати ҳисобланади. Бу эса тегишли масалаларни ҳал этишда ХДП туман, шаҳар кенгашлари ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари бевосита фаол иштирок этишлари лозимлигини билдиради.

2-бет

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 25 ва 27 декабрь кунлари бўлиб ўтган мажлисида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмунини, мақсад ва вазифалари ҳақидаги ахборот билан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ж.Акрамов сўзга чиқди. Лойиҳа концепциясининг муҳокамасида автомобиль йўллари тизимини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги депутатлар томонидан таъкидланди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси С.Азизовнинг таъдимиға биноан Қонунчилик палатаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Муҳокама чоғида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин муҳокама ўтказилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этдилар. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат атрофида муҳокама этилиб, депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1861-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзолари депутатларнинг биринчи ўқишда кўриб чиқишлари учун тақдим этдилар. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси П.Жўраевнинг маърузасида биноан депутатлар «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги маромига етказилган қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва маъмур ҳужжатнинг муҳокамасидан кейин Қонун қабул қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

(ЎзА)



ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Самарқандда темир йўл соҳасида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг яқунлиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маъмур банк билан ўн йил давомида самарали ҳамкорлик қилиб, иккита лойиҳани амалга оширди.

«Темир йўллари реконструкциялаш» деб номланган биринчи лойиҳанинг қиймати 126 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад Тошкент — Самарқанд участкасида 320 километр масофадаги темир йўлни янгилаш эди. Бунинг натижасида Тошкент — Самарқанд йўналишидаги йўловчи ташвиш поездлари тезлигини анчагина ошириш имконияти пайдо бўлди. «Регистон» тезорар поезди қатнови йўлга қўйилди. Шунингдек, бир гуруҳ темир йўл ҳўжалиги ходимлари Австрияда малака ошириб қайтди.

«Темир йўллари замонавийлаштириш» деб номланган иккинчи лойиҳага 155 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилди. Бу лойиҳа дастлабкига нисбатан мураккаброқ вазифаларни ўз ичига олар эди. Жумладан, Самарқанд — Бухоро — Хўжадавлат йўналишидаги 341 километрлик темир йўлни реконструкция қилиш, 670 километр масофада оптик-тонали кабел ва телекоммуникация асбоблари ўрнатиш, компаниянинг молия тизимини компьютерлаштириш, Бухорода темир йўл устaxonаларини жиҳозлаш ҳамда кичик бизнес фондиди ташкил этиш шулар жумласидандир. Мамлакатимиз темирйўлчилари белгиланган вазифаларни тўла адо этди.

Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири

• 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

ИНСОН СОҒЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданок юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига, кишилар саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор берилиб келинмоқда.

Юртбошимиз томонидан ўтган йилларнинг «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Сихат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб белгиланиши, «Она ва бола» давлат Дастурининг қабул қилиниши, Тошкент шаҳридаги Перинатал маркази фаолияти, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва фармонларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса, аёллар ва ёш авлоднинг соғлиғини муҳофаза қилишга қанчалик даражада аҳамият берилаётганлигининг яққол намунаси.

Айниқса, кейинги йилларда тиббиёт соҳасини янада юксалтириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги қарор шифокорлар олдига янгидан-янги талабларни қўймоқда. Кишлоқ врачлик пунктларининг тармоғини ривожлантириш, аҳолига малакали, тезкор ёрдам кўрсатишнинг янги — республика Шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлардаги бўлиmlари, туманлардаги шохобчалари, ихтисослашган урология, кардиология илмий маркази, кўз микрохирургияси жаррохлик илмий марказлари, Тошкент

тиббиёт академиясининг ташкил этилиши ва уларнинг илмий салоҳиятини янада юксалтириш соҳасида қилинаётган ишлар Конституциямизда кафолатланган «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» эканлигининг ҳаётдаги ёрқин намуналаридир.

Жамиятда аҳоли сихат-саломатлигини муҳофаза қилиш келгусида уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кучайтириш, сифатини янада ошириш бугун тизимда олиб борилаётган илмий излаш, тадқиқотлар, истеъдодли ёш кадрларга ҳам боғлиқ. Бинобарин, Тошкент тиббиёт академияси тиббий педагогика факультети травматология, ортопедия, нейрохирургия ва харбий дала жаррохли-

ги кафедраси олимлари ҳам самарали илмий излашлар олиб боришяпти.

Кафедрамизда 28 нафар тиббиёт ходими (4 нафар тиббиёт фанлари доктори, 3 нафар профессор, 16 нафар фан номзоди) илмий тадқиқотларни давом эттиряпти. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, кафедрамизда иқтидорли ёшлар кўп. Жумладан Баҳром Алави ва Хасан Маматқуловлар докторлик диссертациясини ҳимояга тайёрлашяпти. Илмга интилувчан ёш кордиолог, магистр-резидентларимиздан Музаффар Бобоев, Сўхроб Хайитов, Сирожиддин Кенжаевлар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ёшларимизнинг хорижий давлатларда таъриба ўрганиб қайтиши тиббиётимизни жаҳон андазалари-

га янада мослаштиради. Тиббиёт фанлари номзоди Илхом Хўжаназаров бу йил ёшлар ўртасидаги республика «Истеъдод» кўрик-танловида Германияда маъруза қилиш учун грантни кўлга киритди.

Тиббиёт академиясида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, талабаларнинг илмий интеллектуал салоҳиятини ошириш, келгусида улар орасидан илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб қолавереди.

Искандар ХўЖАНОВ, Тошкент тиббиёт академияси кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Шоира ҚОДИРОВА, катта ўқитувчи, олий тоифали шифокор.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

«ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ЙИЛИ»: ТАШКИЛИЙ ВА СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кириб келаётган йилда туман ва шаҳар партия ташкилотлари олдидан турган муҳим вазифалардан бири — партия электротининг манфаатларини изчил қондириш учун 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниришдир.

Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари партия электротати ва кенг аҳоли билан ишлашнинг таъсирчан шакли бўлиб бормоқда. 2006 йилда бу қабулхоналарга 15 мингга яқин фуқаро мурожаат қилди. Улардан 80 фоизи ишга жойлашиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлашиши, ижтимоий нафақаларини тайинлаш ва тўлашда қонунда белгиланган принципларга риоя этилиши билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш масалаларида кўмак, ҳуқуқий маслаҳат ёрдами олишди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал этишда партия электротати вакиллари амалий ёрдам бериш учун Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти янада кучайтирилади. Жумладан, мазкур Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурда ёшларни ва болалик оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масканларини очиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ХДПнинг Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилувчиларга ҳуқуқий маслаҳат бериш амалиётини кенгайтириш учун қабулхоналар негизда ҳуқуқий маслаҳатхоналар очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг йирик қишлоқ аҳоли пунктлари ва шаҳар маҳаллаларида ХДП Жамоатчилик қабулхоналарининг таянч масканларини



очиш масаласи ҳам ҳал бўлмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да жойларда ижтимоий вазият ва қонунлар ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган қарор ва фармонлари ҳамда бошқа давлат ҳужжатлари ижроси устидан самарали мониторинг ташкил этиш партия маҳаллий бўғинлари ишининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Мазкур вазифани ҳал этишнинг 2300 дан ортиқ депутатни бирлаштирган 187 та халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларнинг барчаси ҳузурда тузилган ХДП депутатлик гуруҳларига юлкар экан, Марказий Кенгаш, улар ҳақидаги равишда партия электротати манфаатларини ҳимоялаш позициясида бўладилар, деб умид қилади. Шунингдек, партиянинг тегишли туман ва шаҳар кенгашиларидан устувор

ижтимоий масалаларни ҳал этишда айрим жойларда учраётган камчиликларга баҳо беришда принципиаллик талаб этилади.

Марказий Кенгаш «Ижтимоий ҳимоя йили»да партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари ҳамда партия электротатининг ижтимоий манфаатларини қониктиришга йўналтирилган бошқа давлат қарорлари ижроси устидан жамоат назоратини амалга ошириш вазифасини юклаган билан чекланиб қолмаслигини қайд этди. Мониторинг, қачон ўз мақсадига етади? Қачонки, депутатлик гуруҳлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари ваколатига киритилган туман ва шаҳар ҳудудларида ижтимоий риожлантириш масалаларини ҳал этишда ташаббус кўрсатилсагина.

2007 йилда партия ташкилотларимиз олдидан турган вазифаларни бажариш учун туман ва шаҳар кенгашилари даражасида ташкилий ишларни бажариш талаб этилади. Келгуси йилнинг январидан ҳар бир қишлоқ аҳоли пункти ва ҳар бир шаҳар маҳалласи ҳудуди доирасида электротат орасида иш олиб борадиган камид биттадан таянч бошлангич партия ташкилотини белгилаш муҳимлиги конференцияда таъкидланди. Таянч ташкилотлари қариялар ва ногиронлар, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, аҳолининг тегишли қўллаб-қувватлашга муҳтож гуруҳлари ва қатламларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шу билан бирга бошлангич ташкилотларга фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига киритилган ижтимоий вазифалар қай даражада амалга оширилаётгани устидан мунтазам мони-

торинг юритиш топширилади.

Маърузада ва конференция иштирокчиларининг чиқишларида ЎзХДП туман ва шаҳар ташкилотларининг партия-миз ижтимоий шериклари ва барча манфаатдор ташкилотлар билан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини муҳофазалашнинг самарали шакллари билан сифатида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Партиянинг туман ва шаҳар кенгашиларига, устав фаолияти аҳолини ижтимоий ҳимоя этишда иштирокни кўзда тутадиган ташкилотларнинг туман ва шаҳар бўлиmlлари билан ижтимоий ҳимоя масаласида биргаликда тадбирлар ўтказиш юзасидан шартнома ва баённомалар тузиш тавсия қилинди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да устувор ижтимоий вазифаларни бажаришда партиянинг фаол иштироки, деб таъкидландилар маърузачи ва конференцияда сўзга чиққанлар, партиянинг маҳаллий ташкилотлари учун сиёсий етуқлик борасида жиддий синов бўлади. Марказий Кенгашдан тортиб барча бошлангич ташкилотларга — ХДП электротати учун жозибатор широрларни эълон қилиш билан чекланиб қолмай, балки уларни изчил амалга оширишга эришмоқликлари керак.

ЎзХДП ходимлари ва фаоллари давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор вазифалари ҳақида кўшимча маълумотларга эга бўлишлари учун конференциянинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидованинг «Ислохотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривож-

лантиришнинг устувор йўналишлари ва асосий тенденциялари» мавзусида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимўхамедовнинг «Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш кафолатлари. Мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат ва жамият мезонлари. Ижтимоий сўғурта ва ижтимоий таъминот» мавзусида чиқишлар ташкил этилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ХДП Яққасарой туман кенгаши раиси Толиб Сайфуллаев, Сирдарё туман кенгаши раиси Маҳмуд Аҳмедов, Жондор туман кенгаши раиси Улугбек Пўлатов, Хоразм вилояти Янги-Ариқ туман кенгаши раиси Раҳима Машарипова, Наманган вилояти Чуст туман кенгаши раиси Муҳсинжон Бобоқонов, Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Имомова, Қашқадарё вилоят Деҳқонobod туман кенгаши раиси Ашур Норбоев, Тошкент вилояти Бўстонлик туман кенгаши раиси Рихсибой Махаматов, Нукус шаҳар кенгаши раиси Садебай Нурманов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар конференция кун тартибидеги масала бўйича тақлифлар ва фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Суратларда: конференция ишидан лавҳалар. Сарвар ўрмонов (ўзга) олган суратлар.

ИЗЧИЛ ВА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Шунингдек, ушбу ташаббус ижтимоий адолат ва жамиятда кескин табақаланишга йўл қўймайди муаммоси Ўзбекистон раҳбариятининг доимий диққат марказида турганини таъкидлади.

А.Миграняннинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ташкил этилаётган ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белгиланган муҳолифатга эга партия тизими манфаатлари бир-бириникидан фарқ қилувчи. ижтимоий гуруҳларнинг фаолият кўрсатишини назарда тутди. Бундай манфаатлар жамланган, партия орқали сиёсий соҳага олиб чиқилади.

Ўзбекистонда ялли ички маҳсулотнинг қирқ фоизга яқини кичик ва ўрта бизнес жабҳасида шаклланди. Бинобарин, ҳар қандай барқарор жамиятнинг асосини кенг ўрта қатлам ташкил этади. А.Миграняннинг айтишича, шакллантирилаётган партия тизимаси сиёсий тизимдаги барқарорликни сақлашга интилади. Партиялар ўртасида юзага келадиган зиддиятлар аса муросасизлик ва адоват руҳида кечмайди. Юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқлар қадриятлар ёки тараққиёт йўлига тегишли бўлмайди, улар муайян аниқ масалани қандай ҳал этиш юзасидан амалий хусусиятларни касб этади.

— Тақлиф этилаётган қонун лойиҳалари ва тузатишларда нафақат муҳолифатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилгани, балки уларнинг кафолатлангани ҳам муҳимдир, — дейди А.Мигранян. — Муҳолифатнинг парламент ичида шакллантирилиши парламент кўпчилигининг бошқаруви мумкин бўлган, бироқ озчиликни босиб қўйиш ёки тугатишга ҳаққи бўлмаган либерал демократиянинг ўзига хос хусусиятидир. Бунда озчилик минбарга чиқиб, ўз қонун лойиҳаларини эълон қилиш имкониятига эга бўлади ва бу билан ўша озчилик бир вақт келиб янги кўпчиликка айланиши мумкинлиги таъминли сақлаб қолинади.

Россиялик экспертнинг баҳолашича, тақдим этилаётган қонун лойиҳалари ва баён қилинган мақсадлар — тўри йўналишда ҳаракатланишдир. Улар янги сиёсий тизимга, асосий сиёсий қамровнинг бўртиб чиқишига олиб келиши мумкинлиги бораберида у ёки бу партия ортида қандай сиёсий куч тургани тўғрисида ҳам муайян тасаввурни беради.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг янги қонунчилик ташаббуси давлатни изчил ва босқичма-босқич ислохот этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди, деди у.

«Жаҳон» АА
Москва

Қарор ва ижро

ШУҲРАТИЛЛА АНГЛАБ ЕТГАН ҲАҚИҚАТ

«Қозонга яқин юрсанг — қораси юкади» деган нақл бежиз айтилмаган. 1989 йил пойтахтда туғилиб, маҳаллада обрў-эътибор қозongan оилада улғайган Шухратилла Раҳматиллаевнинг эҳни ўтқир, айниқса, компьютерга илхоси банд ёшлардан эди. Бирок, ота-онасининг эътиборсизлиги туфайли безори болаларга қўшилиб қолди ва талончилик йўлини тутди. 2006 йил 2 июль кун шериқлари билан пойтахтлик икки кишининг мобил телефони, пули ва қимматбаҳо буюмларини тортиб олиб, воқеа жойидан гоийб бўлди.

Жиноят жазосиз қолмади. Ш.Раҳматиллаев шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан икки ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов тавсиясига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорга биноан кўпчилик ўсмирлар қатори Ш.Раҳматиллаев ҳам муддатидан олдин уйига, ота-онаси бағрига қайтди.

— Қамоқхонада ўтиргананда ҳаётда адашганимни, озодлик, ҳалол меҳнатни ҳеч нарса билан алиштириб бўлмаслигини англаб етдим, — дейди Шухратилла. — Энди бор куч-ғайратим билан астойдил ўқий, маҳалла-қўйга фойдам тегадиган ишлар билан шуғулланишга ҳаракат қиламан.

— Амнистия туфайли ўғлим озодликка чиқди, — дейди унинг отаси Қудратилла ака. — Мен фарзандлари адашган ота-оналар номидан жиноят кўчасига кириб қолган ёшларни аяб, уларга тўғри йўлга туши олиши учун имконият бераётган Президентимиз Ислам Каримовга минг раҳмат, дейман.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири



Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҚАРОР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ЎТКАЗИЛГАН ТЕКШИРИШЛАРДА ҚАТОР ҚОНУН БУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Очқини айтганда, бундан ўн-ўн беш йил олган дўкондан ўзимизга керакли озиқ-овқат маҳсулотини харид қилганимизда унинг сифати билан унчалик қизиқиб ўтирмаганмиз. Бугун эса бутунлай бошқача. Сотиб олаётган маҳсулотимиз сифатлими? Қачон, қаерда ишлаб чиқарилган? Харидор шу каби саволлар билан сотувчига мурожаат қилиб тегишли ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли. Қолаверса, истеъмолчилар ҳуқуқи қонун билан муҳофаза қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш бизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Спиртли ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучай-

тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижроси юзасидан изчил тадбирлар ўтказилди. Натижада Жиззах вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жорий йилнинг ўн бир ойида спиртли ичимликларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш қондаларини бузганларга нисбатан 237 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Шунингдек, тадбирлар жараёнида спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга «ихтисослашган» 26 та яширин цех фойдаланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 33 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, улар юзасидан тегишли чоралар қўрилган.

Шуни айтиш кераклики, айрим «уд-дабуронлар ким ҳам билиб ўтирибди», деган хомхаёл билан иш тутишди. Оқибатда эса ўзларига ташвиш орттиришмоқда.

Жумладан, қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларда Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича ҳаракатланиб кетаётган «Мерседес-Бенц» русумли автобус салонидан Бухоро вилояти, Ѓиждувон тумани, «Зарангари» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ш.Сойибов ва ҳеч қандай ҳужжатларсиз, умумий баҳоси 896 минг сўм бўлган 525 литр этил спиртининг қонунга хилоф равишда Ѓиждувон туманига олиб кетаётгани аниқланди.

Пахтакор шаҳар, А.Қодирий қўчасида яшовчи Б.Исмаилов ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, қўлбола усулда тайёрланган «Ўзбекистон»

ароқларини сотаётганда ушланди. Бахмаллик А.Норбоев ҳам ўз уйида «запод» очиб, қонунга хилоф равишда алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаргани аниқланди. Ҳуқуқбузарга тегишли бўлган савдо дўконидан қўлбола усулда тайёрланган умумий қиймати 127490 сўмлик алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари, акциз марказлари, ароқ қопқоғи плёнкаси, ароқ ёрликлари далилий ашё сифатида олинган. Суд унинг «фаолияти»га қонуний баҳо берди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида айрим фуқаролар катта миқдордаги спирт маҳсулотларини қонунга хилоф равишда сотмоқчи бўлганликлари аниқланди. Хусусан, Пахтакор шаҳар Рудакий қўчасида яшовчи О.Пардаевнинг уйи текши-

рилганда фуқаро Т.Ҳожиевга тегишли «Нексия» русумли автомашинада 92,5 литр, автомашина қўйишга мўлжалланган гаражда эса 1335 литр этил спирти қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида сақлаб келинган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, Сирдарё вилояти Гулистон туманида истиқомат қилувчи фуқаро Фарҳод Тиллабоев 1,2 млн. сўмлик 688 литр этил спиртининг Тошкент шаҳридаги «Ипподром» бозоридан сотиб олиб, уларни қайта сотиш мақсадида русумини бошқарувидаги «Нексия» ўзини, давлат белгиси 14 R 1323 автомашинасида Самарқанд вилояти Булунғур туманига олиб кетаётганда ушланган. Фарҳод Тиллабоев ҳам суд томонидан қилмишига яраша жазосини олди.

Жиззах шаҳар «Кўк бозор» ҳудудида жойлашган «Меҳнат биллур» масъулияти чекланган жамиятга қарашли 5-сонли дўкон сотувчиси Бахтиёр Сувоновни кўпчилик тўғри ишлайди, деб юрганди. Бирок, акциясида бўлиб чиқди. Текширишда қўлбола усулда тайёрланган 369 шиша ароқни миқозларга «тозасидан», дея мақтаб сотаётганда ушланди.

Жиззах туманида жойлашган «Шуқрилло Лазиз» хусусий фирмага қарашли умумий оватланиш шахобчасида бир қарашда ҳаммаси жойидадек қўрилди. Аммо бу ерда ҳам қинғирлик бор экан. Кириш ҳужжатлари бўлмаган 189 шиша спиртли ичимлик далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Текширишлар шуни қўрсатдики, спиртли ичимликлар билан савдо

қилиш учун тегишли ҳужжати бор бўлган айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳалол меҳнат қилиш ўрнига ноқонуний олиб келинган вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо қилишган. Бундайларга нисбатан спиртли ичимлик сотиш учун берилган махсус рухсатномаларни бекор қилиш ҳамда чора қўриш учун 89 та тақдимнома киритилди.

Хулоса шуки, савдо-сотикнинг қонун-қоидаси бор. Уни бузганлар эса жазоланади. Истеъмолчи сифатида эса ҳар биримиз маҳсулотнинг ҳужжати ва сифати билан қизиқайлик. Шундагина ноҳушлик бўлмайди.

Абдумавлон АСРОРОВ,
Жиззах вилоят
прокуратураси
бўлим бошлиғи

АХБОРОТ АСРИ ВА ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАР

БУГУН ИНСОН ҲАЁТИНИ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН. АХБОРОТ АСРИ ҲАТТО ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИГА ҲАМ МУАЙЯН ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАР АВЖ ОЛА БОШЛАДИ.

Албатта, ахборот асридаги ҳарбий ҳаракатлар билан ин-формацион урушлар бир-биридан фарқ қилади. Ҳарбий ҳаракатларда ахборот техно-логиялари операция муваф-фақиятини таъминловчи восита сифатида қўлдан келиши керак.

Бу муҳим объект ҳақида сўз кетар экан, ахборот тушуна-сига тўхталиб ўтиш жоиз. У ўзи нима? Маълумки, ахборот ён-атрофдаги воқеа-ҳодиса-лар асосида пайдо бўлади. Воқеа ахборотга айланиши учун у қайси-бир шаклда қабул қилиниши ва шарҳланиши, изоҳланиши керак. Шу тариқа ахборот икки воқеанинг нати-жаси сифатида юзага чиқади — воқеани (маълумотларни) идрок этиш ва улардан мақ-садга мувофиқ фойдаланиш. Бунда маълумот қай даража-да тезкорлик билан қайта иш-ланиши ва тайёрланиши қим қандай технологиядан фойда-ланаётганига ҳам боғлиқ.

Бевосита инфорацион ку-рашга келсак, ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ахборот-га эга бўлиш, ундан фойда-ланиш ва уни ҳимоялашга ин-тилади. Шу боис муайян дав-лат бошқа бир давлатга оид ахборотни қўлга киритса, му-айян устунликка эга бўлади. Оддийгина бир мисол. Бирор давлатнинг телефон тармоғи-ни олдани чикариш учун теле-фон станциясини бомбарди-мон қилиш мумкин. Айни вақтда змидан ана шу теле-фон станциясининг бошқарув тизимини ишдан чикариш ҳам мумкин. Яъни, бомба ўрнини компьютер вируси бемалол боса олади.

Информацион урушнинг мо-ҳияти шундаки, у ақуний мақ-сад эмас, балки ақуний мақ-садга эришиш йўлидаги во-ситадир. Ҳозирги техноло-гиялар ахборот ўрнига уйдирма тарқатиш, бошқаларни ёлгон ахборотга ишонтириш имко-нини беради. Бунда уйдирма объекти ёлгонни ҳақиқат деб билади ва охири-оқибат ёлгон тарқатаётган томоннинг ман-фаатларига мос ҳаракат қила бошлайди. Кундалик ҳаётда

учрайдиган фитна ва бўҳтон-лар ҳам инфорацион уруш-нинг содда кўринишларидир. Айримлар унга лақа ишона-ди. Фақат ҳурфикр инсон гап замирида гафрмақсадлар мавжудлигини илғайди.

Информацион урушнинг таркибий қисмлари ҳам кўп. Масалан, психологик опера-циялар, дезинформация, во-қеани бузиб ёки бўрттириб кўрсатиш орқали одамларнинг бирор фирмага ёки компанияга, бирор сиёсий ҳаракатга ва ҳатто ҳукуматга ишончини сўндириш ёки ошириш мум-кин (пиар технологиялар).

Информацион хуружнинг ҳавфли томони шундаки, юқорида айтилганидек, у куч-ли бомбадек таъсир кўрсата-ди. Бунинг олдини олиш учун айни қуролга қарши айни тур-даги қурол билан жавоб қай-тариш зарур. Президент Исло-м Каримов айтганидек, мафкурага қарши мафкура, гоёга қарши гоё билан кураш-моқ керак.

Айниқса ёшлар онгини ёт мафкура, бузғунчи гоёлардан саклаш муҳим. Ўзбекистонда ёш авлодни ҳисмонан ва маъ-нави етук инсон қилиб тарбия-лаш давлат сиёсати даража-сига кўтарилган. Спорт иншо-отлари, касб-ҳунар коллежла-ри, академик лицейлар, тур-ли тўғрақлар ташкил қилин-моқда. Ёшларнинг бундай вақ-тини унумли ўтказиши учун бар-ча шарт-шароит яратилмоқда. Жамиятда бирдамлик, бағри-кенглик гоёлари кенг тарғиб этилмоқда. Ўзбек халқининг миллий менталитети жамоа бўлиб яшашга, елкадошликка асосланади. Шу нуқтаи назар-дан маҳалла институтининг ривожлантирилиётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўғри, айримлар жазони ўйлаб қонунбузарликдан тийилади. Лекин маҳалла-қўйчиликнинг шуниси қимматлики, киши кўпроқ инсонни, юзи ерга қараб қолишини ўйлайди.

Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон қатор инфораци-он хуружларни бошдан кечир-ди. Ваҳҳобийлар ёки Ҳизб-ут-Таҳрир оқими вакиллари би-лан ҳақиқий мусулмонлар ўртасидаги фарқ бугун аққол юзага чиққан. Бу ҳам Ўзбекис-

тон раҳбариятининг ахборот хуружларига қарши муносиб жавоб берганига бир далил-дир.

Информацион хуружнинг яна бир долғаси 2005 йилнинг май ойида Андижонда юз берган воқеалардан кейин бошланди. Рангли инқилоб-ларнинг навбатдаги серияси-ни Фарғона водийсида катта ижтимоий портлаш билан амалга оширмоқчи бўлган ёт кучлар Ўзбекистон халқи бун-дай фитна ва найранларга осонликча учмаслигини ёки айрим компания ва корпор-ациялар ўзининг Шарқий Ев-ропадаги бозорини кенгайти-риш учун атай ҳарбийларга муайян «муължаллар»ни ақсон этишга буюртма берганидан гап очиб қолишди.

Шакл-шамойли қанчалар ўзгача бўлмасин, рангли ин-қилоблар ҳам шу мақсадга хиз-мат қилади. Жамият па-роқанда бўлади, кейин бир «демократ» ёки бир гуруҳ «демократлар» пайдо бўлиб, гўёки вазиятни изга солади. Юзага келган ҳукумат эса четдаги ҳомийларнинг йўри-қи юради, табиий, сиёсий, ҳарбий ресурсларни улар-нинг ихтиёрига бериб қўяди. Четдаги корчалонларнинг геостратегик мақсадларига хизмат қилади. Бошқача ай-тганда, ўз шахсий манфаати учун давлат суверенитетини савдога қўяди. Рангли инқи-роб юз берган мамлакатнинг бирортаси хали ҳам ўзини ўнғала олмагани, хали ҳам сиёсий ва иқтисодий йўн-ларнинг битмас-туганмас гирдобидан чиқа олмайгани бунга мисолдир. Ақли одам ўзгаларнинг хатосидан те-гишли хулосаю сабоқ чиқа-ради.

Президент Ислом Каримов мамлакат хавфсизлиги, Мар-казий Осий барқарорлиги кў-жиҳатдан гоёвий ва мафку-равий хуружларга қарши ку-рашга боғлиқ эканлигини хал-қаро ташкилотлар минбарла-ридан тақдор ва тақдор таъ-кидлаб келади. Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкило-тининг 2005 йил июнь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида мамлакатимиз раҳбари йиғилганлар эътибо-

рени қуйидагиларга қаратди.

Кейинги пайтларда рўй бер-ган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги куч-ларнинг сиёсий ва иқтисо-дий мувозанатини ўз фойда-сига ўзгартириш ва минта-қада ўз ҳукмронлигини ўрна-тишга қаратилган, узққни кўзлайдиган катта страте-гик шугулланувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фао-лият кўрсатаётгани ва кўпдан-кўп бошқа хайрли ишлар амалга оширилаёт-ганини негадир тилга ол-майди. Бундай эзгу ишлар-ни қўриб кўрмаганга, эши-ти шэитмаганга олади ўзини. Вожаб!

«Муस्ताқил журналист-лар» ҳам уларни кўрмайди, тўғрироғи, қўришни иста-майди. Уйдирмачилар Ўзбекистонга ақин беш-ўн йилда қадам босмагани ёки умуман келмагани уларнинг курақда турмайдиган «дав-волари»дан билиниб тура-ди. Бошқалари учун эса бўҳтон тўқиб, Ватанин со-сиёт тирикчилик қилиш одатга айланган.

Биз шунинг биланамизки, Ўзбекистонни ўз йўлидан оғдирмоқчи бўлганлар хали ҳам бор, уларнинг тинч тур-маслиги ҳам тайин. Лекин халқимиз Юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётнинг барча синовларини, жумла-дан, инфорацион хуруж-ларни ҳам енгиб келмоқда. Чунки ойна этак билан ёпиб бўлмагани каби ҳар қандай «ғирмон ўйин» — инфорацион хуружлар ҳам барбод бўлиши муқаррар-дир. Ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган ва шу йўлдан дадил, қатъий бо-раётган халқимиз эзгу, улғу мақсадлар йўлида ҳеч қан-дай бўҳтоню иволарга уч-майди. Шу боис эртанги кунимиз бугундан-да му-наввар бўлишига ишончи-миз комил.

Анвар БОБОВ,
ЎзА шарҳловчиси



ПРЕЗИДЕНТ МУЗ УСТИДА...



26 декабрь куни Россия Президенти Владимир Путин Ки-зил майдонда махсус барпо этилган муз майдончага таш-риф буюрди ва у ерда Кремль арчаси томошасига келган болалар ҳамда муз устида учин бўйича машҳур спортчилар билан учрашди.

Путин болажонларни кириб келаётган Янги йил билан таб-риқлаб, уларга ширинликлар улашди, кўпчилик билан эсда-лик учун суратга тушди. Сўнгра Президент кафега кириб, иссиқ чай ичиб, таниқли мураббийлар ва муз устида учин бўйича Олимпиада чемпиони — Татьяна Тарасова, Вла-димир Васильев, Илья Авербух, Татьяна Новка, Ирина Слуц-кая, Ирина Лабочева ва Елена Водорезова билан суҳбат-лашди.

Президент спортчиларни яқинлашаётган байрам билан кут-лаб, улар билан спортнинг музда учин турини болалар ўрта-сида ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

ДЕПУТАТЛАР ТАКЛИФИ

Хитой парламенти де-путатлари маҳаллий ва хоржий компаниялар учун бир хил миқдорда-ги солиқ жорий этили-шини таклиф қилишмоқ-да. Тахминларга кўра, белгиланадиган солиқ миқдори қўрилган даро-маднинг 25 фоизини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Хитойдаги маҳаллий компаниялар дарома-динининг тўртдан бир қисми солиқларга кетади, хоржий фирмалар эса даромаддан 14 фоизгина тўлашади.

ЯШИН ЯДРО РЕАКТОРГА УРИЛДИ



Япониянинг Ибараки префектурасида жойлаш-ган «Дзэ» ядро реактори маълум муддат ишламай турди. Бунга сабаб шуки, илмий-тадқиқот марказига қарашли бу иншоотга куч-ли яшин урилган. Марказ раҳбариятининг маълумо-тига кўра, реактор ўчи-рилган бўлсада, радиоактив моддалар билан боғлиқ ҳеч қан-дай хавф-хатар содир бўлмаган.

БЎРОНДАН ЯНА ЗАРАР КЎРИЛДИ



АҚШнинг жануби-шар-қиға яна кучли бўрон ёпирилди. Оқибатда ҳаммадан кўпроқ Фло-рида штати зарар кўрди. Бўрон оқибати-да ўндан ортиқ турар-жойлар бузилиб кетди, талофат қўрилган бор. Паско округида жаро-ҳатланган икки киши ка-салхонага ётқизилган.

Сан-Антонио атрофидаги қўпгина уйларнинг томи «учиб кет-ган», шунингдек, кучли шамол бир қанча дарахтларни йиқит-ган. Натижада маълум вақт йўлларда ҳаракатланиш учун но-қулайликлар вужудга келган.

ҲУҚМГА МУНОСАБАТЛАР

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилот Human Rights Watch Ироқ ҳукуматига Саддам Ҳусайннинг қатл этилишини беқор қилинишини сўраб, муружаат этди. Human Rights Watch вакили Ричард Дикернинг сўзларига кўра, Ҳусайннинг иши бўйича бўлиб ўтган суд жараёнида бир қанча хатоликларга йўл қўйилган. «Суддаги ноҳосиликларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ироқнинг собиқ Президентини ўлим жазосига ҳукм қилиш катта хато бўлар эди», — деди у.

Собиқ дикта-торнинг қатл этилмаслигини сўраб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа халқаро ташкилотлар ҳам Ироқ ҳуку-матиға муружаат этишган. Шунингдек, Евро-падаги бир қан-ча мамлакатлар раҳбарияти ҳам ҳуқуқнинг ижро этилмасли-гини сўрашган.

Маълумки, Саддам Ҳусайн инсониятга қарши жиноят қил-ганликда айбланиб, 2006 йилнинг ноябрь ойида ўлимга (осиб ўлдирилган) ҳукм қилинган эди. Шу йилнинг 26 декабрида Ироқ Аппеляция палатаси ҳукмини ўз кучида қолдириб, унинг 30 кун ичида ижро этилиши тўғрисида қарор чикарди. Ҳукм хали Ироқ Президент Кенгаши томонидан тасдиқланиши ке-рак. Аммо мамлакат Президенти Жалол Талбани Саддам Ҳусайннинг қатл этилишига қарши протест билдирмаслиги-ни илгарти баён қилган эди.

Огоҳлик — давр талаби ОСОЙИШТАЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Самарқанд вилоятидаги жома-ат жойлари, аҳоли истиқомат қиладиган манзиллар, сайилгоҳ-ларда осойишталиқни таъмин-лаш, ҳар хил қўнғилсизликлар-нинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган «Тозалаш» тадби-рига ички ишлар бошқармаси тасарруфидаги пост-патрул хиз-мати, йўл ҳаракати хавфсизли-ги бошқармаси, ёнғин хавфсиз-лиги хизмати, жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими ва бошқа бир қатор хизмат ходимлари жалб этилган.

Шунингдек, ушбу «тозалаш» тадбири натижасида Каттақўрғон тумани Кичикнинг қишлоғида яшовчи О.А. Тошкент шаҳри Юну-субод туманида УЗР ЖК 97-мо-даси 1-қисми билан жиноят со-дир этиб, яшириниб юрганида Каттақўрғон туман ИИБ ходимла-ри томонидан қўлга олинган.

Ишлхон тумани Митан қўрғо-ни Т.Аллаев кўчаси 8-уйда исти-қомат қилувчи муқаддам УЗР ЖК 131-моддаси билан судланган фу-қаро Ш.А. қилишидан тўғри ху-лоса чикариб олмаган шекилли яна эски «қасбини қўмсаб қўш-мачлик билан шугулланиб келган. Ишлхон туман ИИБ ходимларининг олиб борган тезкор ҳаракат-лари натижасида жиноят устида ушланди.

— Бундай мисолларни яна келтириш мумкин, — дейди вилоят Ички ишлар бошқар-маси бошлигининг ўринбосари подполковник Шаҳоб Сад-риддинхожа. — Асосий мақ-садимиз жиноятчиларни қўлга олиш ёки уларни жазолаш эмас, содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди-ни олишдир. Тадбирнинг асо-сий мақсади ҳам шунга қара-тилган. Ҳадемай мамлақати-мизда қўшалоқ байрам — Қур-бон ҳайити ҳамда Янги йил тантаналари кенг нишонлана-ди. Шу муносабат билан вило-лятимиздаги барча сайилгоҳ-лар, аҳоли гавжум бўладиган гўшалар хавфсизлиги таъмин-ланиб, фуқароларимиз осой-ишталигини сақлаш учун бар-ча зарур чора-тадбирлар иш-лаб чикалган.

Шунингдек, савдо фаолияти билан шугулланувчи тадбиркор-лар пиротехника воситалари би-лан савдо қилиш мумкин эмас-лиги қатъий огоҳлантирилган. Вилоят ички ишлар идоралари томонидан ўтказилаётган «тоза-лаш» тадбири ўз самарасини бермоқда.

Шўҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»нинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида ХАБАРНОМА

04-хабар
Битим (битимлар) бўйича контрагент ёки манфаат қўрувчининг фамилияси, исми, фамилияси ёки тўлиқ фирма номи ва жойлашган манзили (почта манзилгоҳи).

09-хабар
Умумий йиғилиш тури: навбатдан ташқари.
Умумий йиғилиш ўтказиш шакли: очик.
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: 2006 йил 15 декабрь.
Умумий йиғилиш баёни тузилган ва имзо-ланган санаси: 27 12 2006 йил.
Умумий йиғилиш ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 28-а уйда жойлаш-ган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносининг мажлислар зали.
Умумий йиғилиш қворуми: 84,5% овоз бе-рилган акциялар сони 51288738 дона.
Овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича берилган овозлар:
1-масала. АТ «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регла-ментини тасдиқлаш.
Ёқлаганлар: — 51288738 (100%), қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.
2-масала. Хитой тараққиёт банкнинг кредит линиясини жалб қилиш ҳамда телекоммуника-ция тармоқларини ривожлантириш ҳамда қайта жиҳозлаш мақсадида ушбу кредит линияси маблағлари ҳисобидан «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига лизинг хизматини кўрсатиш.
Ёқлаганлар: — 46925138 (100%), қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.

Химмат — буюк сифат

КАРАМ ВА МУРУВВАТ

МАШОЙИХЛАРНИНГ АЙТИШЛАРИЧА, ИНСОН РУҲИАТИ ВА ТАБИАТИДАГИ ЭНГ НОЁБ ФАЗИЛАТЛАРДАН БИРИ КАРАМ ВА МУРУВВАТДИР

Бу икки тушунчани бир онадан турилган эгизаклардек бирини иккинчисидан ажратиш маҳол. П.Шамсиев ва С.Иброҳимовлар нашрга тайёрлаган «Навоий асарлари луғати»да карам сўзи «яхшилик олижаноблик, эҳсон, марҳамат, саҳийлик» тарзида талқин этилган бўлса, мурувват сўзининг икки маъноси борлиги қайд этилиб, унинг иккинчи маъноси «одамгарчилик, саҳийлик», деб тушунтирилган. Унинг таъриф ва тавсиф этишича, химмат шундай олижаноб фазилатки, инсониятга хос барча эзгу фазилатларнинг посбонидир. «Химмат соҳиблари», — деб ёзади адиб, — каримсифатлик, раҳимтабиатлик бўлур. Уз жинсининг авлодидан ҳар вақт ёрдамини аямас. Хайру саховат ишларидан ўзини тортмас. Пул ва молини миллат йўлида сарф этмақдан қизғонмас. Олийхиммат киши сояси латиф, меваси лазиз дарахт кабудирки, бу сояга яқин бўлган кишилар ҳар вақт фойдаланурлар».

Абдулла Авлоний бу сўзларни ёзганда Туркистонда жадидчилик ҳаракати майдонга келган, ўз ватандошларини маърифат нури билан бахтли қилишга интилган жадидлар эса олийхиммат кишиларга айниқса муҳтож эдилар. Ана шундай шароитда Авлоний жадид биродарлари номидан: «Инсоннинг моҳияти виждонидан билинур. Виждон эса фақат олийхиммат кишилардан топилир. Алхосил, химмат инсоннинг камолотидур. Хар иш химмат соясига юзага чиқар. Олийхиммат ва холис ният ила ишлаган кишилар тавфиқи раббонига рафик, раҳмати раҳмонига шафе бўлурлар», дея шу тоифага мансуб кишилар қалбига йил топ-



моқчи бўлган эди. Аммо бундай кишилар Алишер Навоий замонида ҳам ноёб бўлган чоғи, улуг шоир «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бундай деб ёзади: «Хозирги пайтда карам сабзаси сабзавотфурушнинг дўконидан бўлак жойда топилмайди ва меҳр (қуёш) гули осмон гушанидан ўзга ерда очилмайди. Карам — инсон табиатида ноёб ва балки йўқдир; шу сабабдан карам аҳлини кўз илгамас, ҳатто номавжуддир». Лекин Навоий бундай афсус ва надомат сўзларини айтганига, олийхиммат ва олижаноб кишиларни умри давомида учратмагани ёки оз учратганига қарамай, карам ва мурувватни эзгу инсоний фазилатларнинг порлоқ бир гавҳари сифатида талқин қилган: «Карам бир жафолкашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни кўтармоқдир. Карам — бирорнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гўлдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида қайта оғиз очмаслик; ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир...»

Абдулла Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» китобида карам ёки олийхимматликка оид ибратли бир ҳикоят келтирилган: бир кишининг Саид исмли ўғли бўлиб, отаси ҳар кун уни мақтаб таом олиб ейиши учун ўн тийиндан пул берар экан. Кунларнинг берида Саид мактабда бораётганида, бир фақир кишини учрати қолди. Фақир Саидга юзланиб, бундай депти: — Уғлим, икки кундан бери оч юрибман. Ичим таталаб кетапти. Таом олиб ейи десам, устимдаги йиртик чопондан бошқа ҳеч нарсама йўқ. Бир оз

қанқан бўлса берсанг, менинг қорним тўйган, сен бўлсанг катта савабга қолган бўлардинг. Саид бу сўзларни эшитиб, фақирга раҳми келибди-да, киссасидаги отаси берган ўн тийинни чиқариб берибди. Фақир Саиднинг саховатли бола эканлигига офаринлар айтиб, йиғлаб-йиғлаб уни дуолар қилиб кетибди. Саид ўша кун оч қолган бўлса ҳам очлигини ҳеч кимга сездирмай, сабрқаноат билан мактаб машғулотларини ўтказибди. Сўнгра унга келиб отасига қилган ишини сўзлаб берибди. Отаси ўғлининг саҳий ва олижаноб фарзанд бўлиб ўсаётганини кўриб, боши осмонга етибди ва ўша кундан бошлаб мактабда таом олиб ейиши учун ҳар кун ийғирма тийиндан пул бериши ваъда қилди. Саодатли Саид отаси берган ийғирма тийиннинг ўн тийинига мактабда таом олиб, беш тийинини фақирларга бериб, қолган беш тийинини эса йиғибди. Ва кўп ўтмай, бой бўлиб кетибди.

Ўзбек миллатини бошқалардан ажратиб турган фазилатлар орасида шакшубҳасиз карам ва мурувват ҳам бўлган. Исломи дини таълим сифатида вуҷудга келган вақтдан бери рамазон ойларида камбағал оилаларга закот берилиши, муҳтожларга хайр-саховат кўрсатилиши ва бошқалар карам ва мурувватнинг ўзбек миллатига хос бўлиб келганини тасдиқлайди. Аммо тарихдаги турли босқичлар ва бошқа ижтимоий сиёсатлар оқибатидан бу фазилат баъзи даврларда хира тортиган бўлса кераки, ҳатто Алишер Навоийдек буюк саховат соҳиб ҳам бу фазилатни ноёб ҳисоблаб, нолигандек бўлади. Унинг ёзишича, карам сўзидаги «к» ҳарфи кимё сўзининг бошидан, «р» ҳарфи семуғ сўзининг орасидан, «и» ҳарфи эса маҳбуб — гўзаллар оғзидан олинган эмиш.

Ўтаётган 2006 йил мамлакатимизда «Хомийлар ва шифокорлар йили» сифатида тарих сахнига кириб бормоқда. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтилганидек, «Бундан кўзланган асосий мақсад — жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш... эди». Инсонпарварлик ва меҳр-мурувват руҳи билан йўрилган ва бутун мамлакатимизни қамраб олган бундай олижаноб ҳаракат карам ва му-

Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир

АСОСИЙ МАҚСАД — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ



Бугун Бухоро туманида 51 та умумтаълим ҳамда 2 та икtidорли болалар мактаби, спорт мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда туманда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 16-мактаб биноси энгидан қурилди. 23-, 35-мактаблар капитал реконструкция қилинган. Чорбақар қишлоғидаги 820 ўринли 23-мактаб «Эл ҳолдинг» компаниясида ишлаб чиқарилган мактаб анжумлари билан тўлиқ жиҳозланди.

— Илгариги мактабимиз пасткам, яроқсиз бинода жойлашганди, — дейди мактаб директори Сабоҳат Сафарова. — Унинг ўрнида мана шу қошона қад ростлади. Бунинг учун давлатимиз, ҳукумати-миздан миннатдорим.

Бу ишларда хомийлар ҳам четда туришгани йўқ. Мисол учун тумандаги фермерларнинг хомийлиги эвазига 25-, 26-мактаблар энг сўнгги русумдаги компьютерларга эга бўлди. Вилоятда жорий этилган мактаблар кунда оталиқ таълимнинг жиҳозидан билим даргоҳларига жами 21,8 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

— Биз, — дейди Хушун қишлоғидаги 35-мактаб директори Лола Тўхтаева, — хомийларимиздан миннатдорим. Биринчи ўқувчилар берган бўлса, яна бири кўламазорлаштиришга бош-қош. Хуллас, бугун мактаб масаласи ҳар бир юрtdошимизнинг диққат-эътиборида турганидан хурсандим.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозир болалар ва ўсмирларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга. Туман марказида 100 ўқувчига мўлжалланган ихтисослаштирилган спорт мактаби, катта теннис корти, Лоша қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Наврўз» спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қизларни спортга жалб этиш мақсадида барча мактабларда спорт заллари барпо этилди. Бултур самбо бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун ўтказилган мусобақада республика чемпиони деган унвонга 18-мактаб ўқувчиси Сурайё Рўзиева сазовор бўлди. Бу йил эса ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернати 5-синф ўқувчиси Юлдуз Қаҳҳорова ҳам ана шундай унвон эгаси бўлди.

— Истиқлол шарофати билан халқ таълими тизими қайта ислоҳ қилинган, — дейди туман халқ таълими бўлими мудир Пўлат Холов. — Буни эса мактаб иши умуммиллат масаласига айланиб бораётганидан ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, давлатимиз томонидан бизга кўрсатилаётган гамҳўрлик ҳар биримиздан катта меҳнат, изланишни талаб этади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Спорт

МАКСИМ ШАЦКИХ — «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ»



(Нижний Новгород, Россия) клуби аъзоси Виталий Денисов эса туртинчи поғонадан жой олди. Ун тўққиз ёшли тажрибали ҳимоячи Асрор Алиқуллов 98 очко билан Тимур Копадзе ва Андрей Фёдоров сингари футболчиларни ортда қолдирди.



Шу кунгача «Йилнинг энг яхши футболчиси» унвонини Валерий Кечинов (1992 йил), Миржалол Қосимов (1993, 1998, 2000, 2004), Игор Шквирин (1994), Олег Шац-

ких (1995), Павел Бугало (1996, 1997), Андрей Аюпов (1999), Николай Шишов (2001), Александр Гейнрих (2002) ва Максим Шацких (2003, 2005, 2006)лар қўлга киритишган.

«Йилнинг энг яхши мураббийи» номинацияси бўйича ўтган сўролда «Улқоқ» ва «Нефтчи» (Фарғона) жамоаси бош мураббийи Юрий Саркисян «илиб кетди». Жами 282 та овоз иштирок эт-

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия кўмитаси шаҳар партия кенгаши аъзоси, «Ёшлик» акциядорлик жамияти бошқармаси бошлиги Шукрат Хуснутдиновни АСОМОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Азиз Ватандошлар!

«O'ZAGROSUG'URTA»

Davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi

ЖАМОАСИ

Халқимизни кириб келаётган

Янги 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ҳамда қутлуг Йиди Қурбон байрами билан самимий муборакбод этади.

Фуқароларни қўшалоқ байрам билан табриклар эканмиз, Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, онасида тинчлик, осойишталик, тотувлик ва фаровонлик ҳукм суришини Яратгандан тилаймиз!

«O'ZAGROSUG'URTA» Davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi

Сизнинг ишончли ҳамкорингиз

Хизматлар лицензияланган №00003.00064.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Turobjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Murodulla ABDULLAEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Olim MURODOV Farruh HAMROEV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Baxtiyor DO'SJONOV Muslihidin MUHIDDINOV Nomoz SA'DULLAYEV Akbar JONUZOQOV Abdug'ani MAMASOIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIY PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98
MANZILIMIZ:
70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovoz.uz
Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1450
7037 nusxada bosildi
1 — Tuzurat manepuau
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda